O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

# BUYRUG'I

20 20 yil "29" 09 552-son Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йилнинг 14 сентябрь кунидаги 479-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичларининг йилдан йилга ошиб бориши, олий таълим муассасаларида тажрибали, салоҳиятли педагог ходимларга бўлган эҳтиёжни ошиши, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган айрим педагогларнинг қайта ихтисослашуви ёки янги мутахассисликка эга бўлишига етарли шарт-шароитлар яратиш, ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ошириб бориш ҳамда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари, шунингдек таълим муассасалари ҳамда жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида кадрларни касбий (педагогик) қайта тайёрлаш курслари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида касбий (педагогик) қайта тайёрлаш курслари фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида”ги 2020 йилнинг 14 сентябрь кунидаги 479-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Барча проректорлар, марказлар, бошқарма ва бўлимларнинг раҳбарлари, факультетларнинг деканлари ва кафедраларнинг мудирлари

00201б5

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида касбий (педагогик) қайта тайёрлаш курслари фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида"ги 2020 йилнинг 14 сентябрь кунидаги 479-сонли буйруғи раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

***Асос:*** *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йилнинг 14 сентябрь кунидаги 479-сонли буйруғи.*

**Ректор в.в.б.** **З.А.Юлдашев**

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI DEVONXONA

ASLIGA TO'G'RI